

---

Тошлоқ туманида 3 та давлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди

Тошлоқ тумани ҳокими А.Джурабаев бугун Меҳнатобод маҳалла фуқаролар йиғинида қурилган 150 ўринли 14-мактабгача таълим муассасасининг очилиш маросимида иштирок этди.

Мазкур таълим муассасасининг қурилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилоятига қилган ташрифидаги йиғилиш баёнида келтирилган. Таълим муассасасининг қурилиш ишларига республика бюджетидан 3.2 млрд. сўм ажратилган.

14-мактабгача таълим ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Еонституцияси қабул қилинганлигининг 29 йиллиги байрами арафасида болажонларга топширилди.

Шунингдек "Янгийўл" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 4- ва "Заркент" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 13-мактабгача таълим ташкилотларининг бола қамровини ошириш мақсадида енгил типда 90 ўринга мўлжалланиб қурилган биноларнинг ҳам очилиш маросими ўтказилди. Мазкур биноларнинг қурилиги учун 475 млн. сўмдан маблағ ажратилган.

Тадбирларда тарбияланувчилар, мактабгача таълим бўлими ва муассаса ходимлари, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Барча мактабгача таълим ташкилотларининг очилиш маросимида туман ҳокими А.Джурабаев иштирок этиб, йиғилганларни Бош Қомусимиз қабул қилинган кун муносабати билан муборакбод этди. Туманимизда 7 ёшгача бўлган болажонларни мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида таъкидлаб ўтди.

Тошлоқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-12-07 21:33:12